



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2010 йил 11 МАЙ, СЕШАНБА

XXI аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд Давлат чет тиллар институтида вилоят ҳокимлиги ва Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси йўлида «Биз бир замин ва замон фарзандларимиз» мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Тошкентдаги Миллий санъат марказида анъанавий Болалар мода фестивали очилди. «Фонд форум», «Осиё рамзи» Модельерлар ассоциацияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур лойиҳа истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда уларнинг салоҳиятини оширишга, эришадиган ютуқ ва муваффақиятлари билан юртимиз болалар модаси йўналишини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган дизайнерлар ижодини кенг миқёсда тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

● Сирдарё вилояти Ширин шаҳар бандликка қўмаклашувчи маркази шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда 27 та ташкилот 81 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирга касб-хунар коллежи битирувчилари ҳам таклиф этилди. Ярмарка якунида 59 нафар кишига ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди, яна шунча одам касб эгаллаш курсларига жалб қилинди.

● Самарқанд шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида болалар намунали ансамбллари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Куралай» болалар фольклор-этнографик ансамбли олий ўринга лойиқ деб топилди.

● «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Ўртачирчиқ туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ўзбекино» миллий агентлиги, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

● Ўзбекистон Миллий табуот марказида ташкил этилган анжуман «Табиятни асраш инсонни асрашдир» мавзuida ўтказилди. Унда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олий таълим ва халқ таълими муассасалари вакиллари, педагоглар, ёш тадқиқотчилар, журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Филиппинда кеча бўлиб ўтган Президент, парламент ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловларнинг якуний натижалари ҳисоб-китоб қилинмоқда. Президент сайловида сайловчиларнинг 40 фоиздан ортиқроқ овозини тўплаган Бенино Акино етакчилик қилмоқда.

● Буюк Британия Бош вазири Гордон Браун жорий йил охирларида истефода чиқишини маълум қилди.

● Европа қитъасида Исландиянинг Эйяфьядлайёкюдль музлигида ҳаракатга келган вулқондан ажралиб чиқаётган тутун ва кул сабабли тўхтаб қолган ҳаво рейслари кеча деярли тўталигича тикланди.

● Индонезиянинг Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 7,4 балли зилзила содир бўлди. Ҳозирча кучли ер қимирлаши оқибатида юзага келган вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компаниясининг Мексика кўрғазидидаги нефть платформасидан оқиб чиқаётган катта туркумдаги нефть йўлига тўғаноқ бўлиш мақсадида амалга оширилган дастлабки уриниши натижа бермади. Эндиликда ушбу компания кейинги уч кун ичида носозликни бартараф этиш учун тайёрлаган кичикроқ курилмани ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

КОМИЛЛИККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёш авлодни билимли, зукко этиб камолга етказиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада юртимизда замон талаблари даражасида академик лицей, касб-хунар коллежларининг қад ростилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

(футбол), Кахрамон Авезов, Фирдавс Жамолдидинов (кикбоксинг), Дилшод Жўраев (самбо кураши), Сардор Нигматуллаев (каратэ) — 20 нафарга яқин совриндорлар бор. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Ирина Кузнецова баскетбол бўйича қатнашиб, олтин медалга сазовор бўлган.

Лицейни айланар эканмиз, ўқувчиларнинг ободонлаштириш ишларига ҳам кенг жалб этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ер майдони ажратилган бўлиб, ўқувчилар дарсдан сўнг ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. Эйтиборлиси, бу ерда ҳар бир ўқувчининг ўз қўли билан экан дарахти ва гуллари бор. «Яхшидан боғ қолади» ҳикмати битилган бу боғда ўқувчилар меҳр билан кўчат экиб, парвариш қилади.

Фарзандларимиз камол топаётган бу таълим масканидаги янгиликлардан, уларнинг кўлга киритаётган муваффақиятларидан биз ҳам қувониб ва ғурурланиб қайтдик.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: 3-академик лицей фаолиятдан лавҳалар
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

GERMANYDA «BARKOMOL AVLOD YILI» MAVZUIDA BRIFFING

Германиянинг Бранденбург федерал ўлкасида давом этаётган «Европа ҳафталиги» доирасида «2010 йил — Ўзбекистонда Баркамол авлод йили» мавзuida бриффинг бўлиб ўтди.

ишлар, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мустақилликнинг илмий йилларидан бошлаб давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳақида маълумот берилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби уч босқичли узлуксиз спорт тизими ўзининг ижобий

самарасини бераётгани, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Гросрешен шаҳри таълим маркази раҳбари Кристиа Шахтшайдер «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида Ўзбекистонда ёш авлоднинг таълим олиши учун яратилган шароитларни юқори баҳолаб, «Академик лицей ва касб-

хунар коллежларидек янги таълим тизимининг барпо этилиши ёшларнинг чуқур билим олиши ва ўзлари танлаган касблари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиши учун улкан имкониятдир», дея таъкидлади.

«Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Бу мамлакатнинг катта бойлиги, порлоқ истиқболнинг мустаҳкам пойдеворидир»,

деди Гросрешен шаҳар бургомистри Томас Шенкер.

У Ўзбекистон томонидан Германиянинг турли федерал ўлкалари билан икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳақида сўз юритиб, икки мамлакат таълим ва маданий муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилиши томонларнинг бир-бирларини янада яқинроқ билишларига хизмат қилувчи муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига «Бахтиёр авлод» номли фотосуратлар кўргазмаси ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва буғунги ўзбек ёшларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

«Жаҳон» АА. Берлин

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ички ишлар бош бошқармалари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди.

✓ **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида Баркамол авлод йилига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Диний экстремизм ва миссионерликнинг ёшлар тарбиясига таҳдиди» деб номланди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 112-мактабда халқ таълими, «Қамолот» ЕИХ туман бўлимлари, ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан «Олтинтепа» маҳалласи билан ҳамкорликда «Уч авлод учрашуви» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги 218-мактабда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Хотира муқаддас» мавзuida тадбир уюштирилди.

ТАДБИРКОР

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтисодий эркинлаштириш, кичик бизнесни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг ҳуқуқий-меъёрий негиз яратилди. Кичик бизнес субъектлари эркинлигини кафолатловчи ҳужжатлар қонуний мустаҳкамлаб қўйилгани боис уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштироки кенгайиб бормоқда.

КИЧИК БИЗНЕСНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг ўтган йил якуни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялли ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларига катта аҳамият берилган. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватла-нишидан мақсад кичик биз-нес субъектларининг жадал ривожланишини рағбатлан-

тириш ва унинг мамлакат иқтисодийётидаги ўрни ва аҳамиятини янада кўтариш, яъни ишлаб чиқаришни ри-вожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш йўли билан кичик бизнес иқти-содий ўсишининг тезлаши-шига ва аҳоли фаровонли-гини оширишга фаол жалб қилиш ҳисобланади. Шу

мақсадда кичик бизнес субъектларини солиққа тортишни соддалаштириш учун 2005 йил 1 июлдан бошлаб кичик бизнес субъектларининг баъзи то-ифалари учун ягона солиқ тўлови жорий қилинди. Бу-гунги кунда кичик бизнес-ни солиққа тортиш ва ҳисо-ботини сезиларли даража-

да соддалаштиришга эри-шилди.

Кичик бизнеснинг ривож-ланишини рағбатлантириш учун яратилган қўшимча имтиёзлар инновацион та-раққий этишини ҳам таъ-минлаш баробарида миллий иқтисодийётидаги ўрни салмоқли бўлишига хизмат қилмоқда.

Феруза АРИПХОДЖАЕВА, Тошкент Давлат иқти-содий университети магистранти

Инсон ҳаётида, саломатлигини мустаҳкамлашда албатта ичимлик сувнинг ўрни беқиёс. Оби-ҳаёт саналмиш сувни шу боис ҳам тириклик манбаи дея эъзозлаймиз.

САЛОМАТЛИККА ФЙДАЛИ

Сувга бўлган эҳтиёж айниқса ёзнинг иссиқ кунларида янада ортади. Тоза ва шаффоф сув нафақат чанқоқни қондириши, балки саломат-лигимизга фойдалилиги билан ҳам аҳамият-лидир.

«Billur suv servis» масъулияти чекланган жа-мияти махсус технология асосида тозаланган ичимлик суви ишлаб чиқаришга ихтисослаш-ган бўлиб, бу ерда Хитой давлатидан келти-рилган юксақ унумли дастгоҳлардан фойда-ланилади. Корхонада Кумушкон сувларини то-заланиб, қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказилади.

Айни кунлар-да корхона маҳсулотлари 5 ва 12 литр-лик пластмас-са идишларга қадоқланмоқ-да. Бу йилдан бошлаб эса 1 литрлик идиш-ларга ҳам қ а д о қ л а ш кўзда тутилган.



Дилноза СОДИКОВА

Корхонанинг «Серебряная капля» савдо белгиси остида тайёрлаётган тоза ва шаф-фоф суви сифа-ти билан ха-ридорларга манзур бўлмоқда.



Яқинда бўлиб ўтган «Ташаббус-2010» кўрик-танлови ҳам бунинг исботи бўлиб, унда иштирок этишга муваффақ бўлган кўплаб кўли гул уста хунармандлар томоша-бинлар олқишига сазо-вор бўлди, туман, шаҳар, республика босқичларида «Энг яхши хунарманд» но-минацияси ғолиблигини кўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар би-лан тақдирланди.

Кўрик-танловнинг Ми-робод тумани босқичида алоҳида эътирофга сазо-вор бўлган Камолитдин Абдуллаевнинг номини ҳам таъкидлаш лозим. Ка-молиддин бир неча йил-дири, мазкур тадбирда ўзининг янги-янги изла-нишлари билан иштирок этади. Рағбатлар эса уни янги муваффақиятлар сари ундайди.

Болалигидан кўлига қалам олиб, расм чизиш-га қизиққан Камолитдин мактабини тугатган ҳозир-ги Республика рассомчи-лик коллежига ўқишга кирди. Устозларидан сабоқ олиш баробарида

Хунари гўзаллар

МИНИАТЮРА УСТАСИ

Миллий қадриятларимизни эъзозлаб, ота-боболаримиз хунарини меҳр-муҳаббат билан давом эттираётган, мустақиллик берган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқ амалии хунармандчилиги йўналишларини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган ёшларимизнинг изланишлари эътирофга лойиқ.

тўғарақларга ҳам қатнаб, назарий билимларини амалиётда кўллашга ҳара-кат қилди. Айниқса усто-зи Камолитдин Мирзаев-нинг йўл-йўриқлари унга кўл келди.

Миниатюра устаси но-мига мушарраф бўлган Камолитдин Абдуллаев-нинг яратган кўплаб асарлари ўз жозибаси билан ажралиб туради. Айниқса гул ва нақшлар, турли хил мевалар тас-вирлари инсон кўнглига ажиб завқ бағишлайди. Шарқона урф-одатлари-мизни акс эттирувчи кўринишлар тасвири ту-ширилиб, лок бўёқ бе-

риш буюмлар ҳам ус-танинг тинимсиз изла-нишлари самарасидир.

Камолитдин кўплаб кўрик-танлов ва кўргазма-ларда, шу жумладан ха-лқро кўргазмаларда ҳам ўз маҳсулотларини на-мойиш этмоқда. 2007 йилда пойтахтимизда ўтказилган «Мустақиллик нафасида камол толган хунармандлар» танловида қатнашиб, диплом билан тақдирланган.

Шу ўринда миниатюра-чи рассомнинг ёшларга алоҳида эътибор қара-тиб, шоғирдларига хунар сирларини мукаммал ўргатаётганини ҳам ай-

тиш жоиз. Шоғирдлари-дан Нодир Баҳодиров, Жамолитдин Абдуллаев, Дилмурод Қорабевлар ҳозирда мустақил иш юритмоқда.

Камолитдин Абдуллаев айни пайтда маҳаллий хом ашё — тошқоғоздан унумли фойдаланган ҳолда лок-миниатюра буюмлари — ҳақиқий санъ-ат асарларини яратиш устида ишламоқда. Бу борада у устози Жасур Баҳодиров билан ҳамкор-ликда меҳнат қилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА
Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар

Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозорни таъминлаётган тадбиркорлик субъектлари орасида «Serge and Partners» масъулияти чекланган жамиятининг алоҳида ўрни бор.

Изланишларни бозор та-лабларига кўра амалга оши-раётган бу корхонада замо-навий технологиялар асосида ювиш ва тоза-лаш воситалари ишлаб чиқари-лади. Маҳсу-лотнинг эколо-гик жиҳатига қаратаётган алоҳида эъти-бор буюртмаларни кўпайи-шига, ишлаб чиқариш ҳажми ортишига асос бўлмоқда.

оладиган товарлар билан таъминлаш бўлиб, бунга эришармиз дея оламан.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

— Аввалига олди-сотди бизнеси билан шуғулланган бўлсак, 2006 йилдан буён ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона ди-ректори Сирожиддин Баҳо-диров. — Бозорни ўрганиш асосида, талаб ва эҳтиёж-дан келиб чиққан ҳолда қадоқлашни ҳам ўзлаштир-дик. Мақсадимиз ички бо-зорни четдан келтирилади-ган маҳсулот ўрнини боса

Хозирда янги лойиҳалар ус-тида иш бошладик. Яқин орада кукунлик кир ювиш воситасининг кир ювиш ма-шиналарига мўлжалланган «автомат» турини яратдик. Шуни алоҳида таъкидлаш ло-зимки, корхонамизда фаоли-ят кўрсатаётган махсус ла-бораторияда хом ашё ва тайёр маҳсулот сифатига эътибор қаратаётгани ўз самарасини бермоқда.

Корхонада ўтган йилда 220 миллион сўмлик маҳсу-лот тайёрланган бўлса, жо-рий йилда буюртмаларни

кўпайтириб, 1 миллиард сўмлик товар ишлаб чиқариш кўзланган ва саъй-ҳаракатлар режа асосида амалга оширилмоқда. Ма-ҳаллийлаштириш дастури иж-росига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган жамоа томонидан яқинда оқарти-рувчи восита ишлаб чиқари-рилган бўлса, эндиликда ойна ювиш воситасини тай-ёрлаш режалаштирилмоқда. Энг муҳими бу маҳсулотлар-нинг таннархи-ни камайтириш-га эътибор қаратилаётди. Бунинг учун Хи-тойдан замона-вий технологик линия келти-

риш кўзда тутилган. Шу асосда янги ишчи ўринлари яратилиб, кадрлар малака-сини оширишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда корхонада 15 нафар ишчи-ҳодим меҳ-нат қилиб, 15 хилдан зиёд маҳсулот турлари тайёрлан-моқда. Айниқса, «Хозяюшка» кир ювиш ва ванна тозалаш воситалари харидорлиги билан ажралиб туради. Жо-рий йилда маҳсулот турла-рини 10 хилга кўпайтириш белгиланган.

Шарифа ИЛЁСОВА

Сўраш, Жавоб берамиз

Давлат божи нималарга ва қандай тўланади? Уни бўлиб-бўлиб тўласа бўлади-ми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Асқар Солиев, Миробод тумани
Мазкур саволга жавоб та-риқасида шуни келтириш лозимки, Ўзбекистон Рес-публикаси Хўжалик-процес-суал кодексининг 91-модда-сида куйидагилар учун дав-лат божи тўлаш белгилан-ган:

— даъво; ташкилотлар ёки фуқароларни банкрот деб топиш; низо предмети юза-сидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифа-тида ишга киришиш; юридик аҳамиятга эга бўлган факт-ларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;

— хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, дав-вони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги аризалар усти-дан берилган апелляция ва кассация шикоятлари;

қилув қарорларини бе-кор қилиш тўғрисидаги аризалар, шунинг-дек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бери-шиш тўғрисидаги ари-

залар;

— хўжалик судининг ҳакам-лик суди ҳал қилув қарорла-рини бекор қилиш тўғриси-даги, шунингдек ҳакамлик су-дининг ҳал қилув қарорлари-ни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғри-сидаги ишлар бўйича ажрим-лари устидан берилган апел-ляция ва кассация шикоятла-ри.

Давво талаблари кўпайти-рилганида давлат божининг етишмаётган суммаси ҳал қилув қарори қабул қилинаёт-ганда, давонинг кўпайган суммасига мувофиқ ундири-лади. Давво қиймати камай-тирилганда, тўланган бож қайтарилмайди.

Давлат божининг микдори, уни тўлашдан озод қилиш ва унинг микдорини камайти-риш қонун ҳужжатларида бел-гиланади.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қўшма корхонанинг илғор технологияларни жалб қилиши ва автомобиль эҳтиёт қисмла-рини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши кўзда тутилмоқда. Томонлар, шунингдек, қўшма корхонага ўзининг сотиш ва сотишдан кейин-ги хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этишга ҳам ёрдам беради. Махсулот экспортини қўллаб-қувватлаш учун «Даймлер» компания-сининг «Узавтосаноат» акциядорлик компания-сининг хорижий мамлакатларидаги мавжуд дистрибуторлик тармоқларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтгача «Daimler Buses» Тошкент шаҳ-рига қарийб 1000 та автобусини етказиб бер-ди. Кейинги бир неча йилда сотиб олинган ва катта йўловчи сифимига эга бўлган барча ша-ҳар автобуслари «Mercedes-Benz Conecto» ру-сумли автобуслардир.

Тошкент тобора ривожланиб бораётган жа-моат транспорти тизими ва кенг тармоқли йўлларга эга бўлиб, бу ерда Марказий Осиё-даги энг катта ҳамда замонавий автобуслар паркидан фойдаланилмоқда. Мавжуд «Mercedes-Benz 0405» шаҳар автобуслари аста-секин «Mercedes-Benz Conecto» автобуслари-га алмаштирилмоқда.

— Мен бугун биргаликда кенгайиб боради-ган янги бозорларни очиш бўйича муҳим қадам қўйганимиздан хурсандман, — деди «Даймлер АГ» бошқаруви аъзоси, «Daimler Buses» ва «Daimler Trucks» бўлинмалари бўйича масъул Андреас Реншлер. — Биз Ўзбекистонга, жум-ладан Тошкентга «Mercedes-Benz» автобус-ларини 1994 йилдан буён етказиб бермоқда-миз. Бугун мамлакатингизда турли автобус-лар ишлаб чиқариш ва қўшни давлатлар бо-зорларида ўсиб бораётган талабни шу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан таъминлаш учун асос яратдик.

«Daimler Buses» раҳбари Хартмут Шик бу ерда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши бил-ан Ўзбекистон, Марказий Осиё ва умуман, МДҲда бозор имкониятлари сезиларли дара-жада кенгайишини таъкидлади. Биз «Узавто-саноат» акциядорлик компаниясини Марказий Осиё бозорини яхши биладиган, ишлаб чиқа-риш ва сотиш масалаларида катта тажрибага эга бўлган кучли, юксақ профессионал ва ишончли ҳамкор, деб биламиз.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, жисмоний шахсларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтиришда банкдан ташқари кредит ташкилотлари (БТКТ) тизими муҳим роль ўйнайди.

Бинобарин, банкдан ташқари кредит таш-килотлари мамлакат микроолиялаштириш ти-зимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу боис давлатимиз томонидан молия бозорининг ушбу бўғинига жиддий эътибор қаратилмоқда ва бунинг самараси ўлароқ уларнинг ривожла-ниш даражаси жадал суръатларда ошиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб бу тизимга 103 та кре-дит уюшмаси, 32 та микрокредит ташкилоти ва 48 та ломбард қиради. Жорий йил бошига БТКТнинг биргаликдаги кредит портфели 193,3 миллиард сўмга етди ва бир йил ичида 80,8 фоизга ўсди. Бунда соф фойда ҳажми 20,8 миллиард сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 126 фоизга юқоридир.

Кредит уюшмалари БТКТнинг муҳим тарки-бий қисми ҳисобланади. Кредит уюшмалари аҳолига кичик молиялаштириш хизматларини кўрсатишда, кичик ва хусусий бизнесни ри-вожлантиришда алоҳида аҳамиятга молик.

Мамлакат микроолиялаштириш бозорининг жадал ривожланишида Ўзбекистон кредит уюшмалари ассоциацияси сингари профес-сионал ташкилотларнинг аҳамияти ҳам катта. Бугунги кунда мазкур ассоциация 83,8 минг кишини бирлаштиради. Ўтган вақт ичида кре-дит олувчи ва депозитга маблағ қўювчилар солиштирма микдорининг ўсиб бораётгани ку-затилди. Бу эса аҳолининг кредит уюшмала-рига бўлган ишончининг ортиб бораётганиги, улар томонидан тақлиф этилаётган хиз-матлар самарадорлиги ўсаётганигидан дал-лолатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозим-ки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дав-вом этаётган бир вақтда мамлакатимизда иқти-содийнинг реал сектори, хусусан кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни молиялашти-ришда, кредит уюшмалари ҳам бирмунча қулайликлар яратмоқда. Кейинги пайтда аҳоли-нинг кредит уюшмаларига талаби ошиб, улар-нинг хизматлари сифати ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.

Фарҳод ЧОРШАНБИЕВ, Ёркин УРИНБОВ, Тошкент Молия институти талабалари

2010 йил — Баркамол авлод йили

«Соғлом она — соғлом бола» концепцияси — амалда

Фарзанд хонадонларимиз чироғи, наслимиз давомчисидир. Ҳа, айнан фарзандлар туғайли ҳаёт давом этади, миллатимиз, анъана ва қадриятларимиз асрлар оша яшайверади. Шу маънода фарзандга, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлоднинг дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган илмий ислохотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси замирида она ва бола саломатлигини асраш вазифаси, келажак авлодларнинг камолотини таъминлашдек эзгу мақсад мўжассам. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган мазкур йўналишдаги тиббий-ижтимоий ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Жумладан, оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Аҳолига бирламчи тиббий-профилактика, шовишнинг ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тизим шакллантирилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш борасида қабул қилинган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич бажарилиши натижасида фертил ёшдаги аёлларни мукамал тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди. Оила шифокорлари тиббий-профилактика тадбирларини доимий асосда амалга оширмоқда. Бу кўриқни бирламчи шифо масканлари — қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда амалга ошириш учун барча шароит яратилган. Улар ЭКГ, флюорография, УЗИ, эндоскоп, фибраскоп ва лаборатория таҳлил вазифалари билан таъминланган. Кўриқ жараёнида аниқланган хасталиклар амбулатор ва стационар шароитда даволаниб, туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликларни сезиларли даражада камайтиришга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 июнда қабул қилинган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Жойларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни тиббий кўриқдан ўтказиш орқали ирсий касалликларни мумкин қадар эрта аниқловчи скрининг марказлари ташкил этилди. Туғруқ комплексларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган «Бешатар оналик» ҳамда «Болага дўстона муносабатда бўлиш» дастурларига биноан оналар ва болалар касалликлари ҳамда ўлимнинг олдини олишга қаратилган янги перинатал технологиялар жорий этилмоқда. Президентимиз Исрол Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда мумкин дастуриламал бўлаётди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш» штаби, вилоятлар марказлари ва туманларда унинг филиаллари ташкил этилган, — дейди Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. — Штаблар томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини ахшиллаш бўйича жорий маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинмоқда. Қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишда жойлардаги тиббий муассасалар фаолиятини янада яхшиллаш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҚВПларда оналар ва болалар, ўсимирлар, аёллар ва аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида Республика репродуктив саломатлик маркази, Педиатрия илмий-тадқиқот институти, Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳлар ушбу шифо масканларида бўлиб, бирламчи тиббий муассасалар шифокорларига бу борада яқиндан кўмак бермоқда.

Тиббиёт муассасалари таълим масканлари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари, ФХДЭ органлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликдаги тағрибот-ташвиқот ишлари алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда репродуктив саломатликнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатларига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Фқуролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими қошида ташкил

этилган «Оила дорилфунуни» машғулотларига жалб қилинаётган бўлажақ келин-куёвларга шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кўмиталари ходимлари никоҳга тиббий кўриқдан ўтишининг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги мавзуларида атрофлича маълумот бермоқда.

Айни вақтда ёшларнинг асосий қисми олий таълим даргоҳлари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда ўқиётгани ҳисобга олиниб, мазкур таълим муассасаларида «Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил этилди. Махсус дастур асосида ўтказилаётган машғулотлар, маззуга оид давра суҳбатлари, турли семинарлар ёшларимизнинг тиббий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда. Баркамол авлод йилида оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасида маърифий-тарғибот ишларининг қамрови янада кенгаймоқда.

Бирок, бундай кенг қамровли тадбирларга қарамай, репродуктив саломатлик талабларига зид равишда қизларнинг барвақт турмушга чиқиши, қонуний никоҳсиз турмуш қуриш, туғруқлар оралиғидаги мақбул мuddатга риоя этмаслик, никоҳдан олдинги тиббий кўриқка бепарволик билан қараш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Қизингиз турмушга тайёرمи?

Кузатув ва таҳлилларда қизларнинг эрта турмуш қуриш ҳоллари кўп қарайётгани ачинарлидир.

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ



— Ҳар бир ота-она фарзандининг ҳаётида ўз бахтини топишини, унинг орзу-ҳавасини кўришни истаيدди, — дейди Ф.Раҳматуллаева. — Лекин баъзи ҳолларда фарзанднинг ана шу «яхши» ният қурбонига айланиб қолаётгани ҳамма ҳам чуқур ўйлаб кўрмайди. «Қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим» деган қараш билан фақат ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқиш давом эттириши ёки эгалланган касб-ҳунари бўйича ишлашига тўсқинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ўн саккиз ёшга кирмай турмушга узатилган қизлар оилавий ҳаётга, она бўлишга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлмағлиги аниқ. Эрта турмуш қурган, коллеж ёки лицейда ўқишни тасмоллашга, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишга улгурмаган қизларимиз қандай қилиб муносиб уй бекаси, келин ва она бўла олиши мумкин?

— Қизим ҳали болалигидаёқ дугонам уни келин қилиш истагани билдирган, «белги» қилиб қўйгандай, — дейди самарқандлик Шарофат Раҳимова. — Қудаларнинг истагига қарши бора олмай ўн олти ёшида турмушга бердик. Мана энди жабрини тортаёلمиз. Қизим ҳомиладорликни ниҳоятда қийин ўтказди. Набирам мuddатга етмай, етти ойлигида туғилди, энг ёмони, ҳали турмуш сабоқларига тайёр бўлмаган қизим билан куёвим тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолди. Оқибатда ёш оила бузилди, узоқ йиллик дугонам билан орамизга совуқчилик тушди. Ўйлаб қарасам, айб ўзимизда экан. Ҳаммасига сабаб қизимнинг оқ-қорани танимасдан оила қургани экан.

Ҳа, қизларни оила қуришга, она бўлишга, фарзанд тарбиялашга тайёргарлиги етарлича бўлмай туриб, балоғатга етмасдан турмушга узатиш ўша оиланинг келажакки омонат бўлишига олиб келишини бу каби ҳаётий мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

— Эракка ёки аёл турмушининг барча жавабгарлигини ўз зиммасига ололмас экан, улар оила қуриши мумкин эмас, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур. — Динимизда никоҳ ёши кўрсатилиб, вояга етган аёлга уйланиш кераклиги билвосита билдирилган. Жуфтликлар никоҳнинг ижтимоий талабларини қондира олиши, уй-рўзгорни юритиш ва фарзандларини тарбия қилишга қодир бўлишлари шарт.

Тиббий кўрик — мустаҳкам оила, соғлом фарзанд омили

Оила — муқаддас қўргон. Шу боис халқимиз янги ҳаёт оstonасига қадам

қўйган ёш келин ва куёвларга доимо эътибор ва эҳтиром кўрсатади. Ота-болаларимиз қиз узатиш, келин танлашда бўлғуси қудаларнинг насл-насабини сўраб-суриштиргани замирида ҳам ёшларнинг ширин ҳаёт кечирishi, келгуси авлодларнинг соғлом бўлишига қаратилган эътибор мўжассам.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом фарзандлар туғилишида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилгани муҳим омили бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиника аҳолига ана шу йўналишда ҳам кенг хизмат кўрсатмоқда. Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш учун келган йигит-қизларга ўз саломатлигини асраш, соғлом оилани шакллантириш бўйича зарур маълумотлар берилди. Ўтган йили қарийб уч ярим минг нафар бўлажақ келин-куёв тиббий кўриқдан ўтди. Уларнинг эллиқдан зиёди ижтимоий ҳавфи юқори хасталиклар билан касаллангани аниқланди ҳамда тегишли шифохоналарга жўнатилди. Кўрииб турибдики, ушбу тадбир инсон ҳаёти учун хатарли юқумли хасталиклар тарқалишининг ва ногирон фарзанд туғилишининг олдини олишда яхши самара бермоқда. Бу нафақат тиббиётнинг, балки оила ва жамиятнинг ҳам муҳим ютуғидир.

Бирок баъзи ота-оналар ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига «тўй куни тайин, вақтида ўтказмасак ган-сўз қўпаяди», деган баҳонада тўйни тезроқ ўтказиб олиш пайда бўлмоқда. Ана шундай бир жуфтлик тўйдан кейин тиббий кўриқка келди. Текширишлар жараёни-

да уларнинг бирида руҳий хасталик борлиги маълум бўлди. Натижада янги ҳаёт бошлаган ёшлар ажрашиб кетди. Яна бир воқеа. Тиббий кўрик натижаларидан сўнг бўлажақ куёв бир эмас, бир нечта ҳавфли юқумли касалликка чалинган маълум бўлди. Тўрт мунаси соғлом қиз эса ҳаммасини била туриб турмуш қуриш фикридан қайтмади. Бўлажақ келин ўз ҳаётини барбод қилибгина қолмай, туғилажақ фарзандининг соғлигини ҳам хатарга қўяётганини, ҳар қанча тушунтиришларга қарамай, англаб етмади. Натижада ногирон фарзанд тўнға келди.

Саломатлик гарови

Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартларидан бири туғруқлар орасидаги мuddатни сақлашдир. Фарзандлар туғилиши орасидаги оралик камиди 3-4 йил бўлгандагина онанинг соғлиги тикланади, мустаҳкамланади, фарзандини тўлақонли кўрақ сути билан эмизиши, унга бор меҳри ва эътиборини бериши ва кейинги ҳомилагини соғлом ривожланиши учун шароит яратилади. Бу мuddат сақланмаган ҳолда онада камқонлик ривожланади ва аёл организмиде касалликларга берилувчан бўлиб қолади. Навбатдаги ҳомиладорлик туғайли туғилган чақалоқни кўрақ сути билан эмизишни давом эттириб бўлмайди, ҳомилагини ривожланиши ва ўсиши учун зарур озиқ моддалар етишмайди.

Афсуски, шифокорлар кўрсатмасига риоя қилмай, саломатлигига бефарқ қарайдиган баъзи аёллар билиб туриб ўз ҳаётини хатарга қўймоқда. Тошкент шаҳридаги туғруқ мажмуаларидан бирига йигирма икки ёшлардаги ҳомиладор аёл оғир аҳволда олиб келинди. Бундан бир йил олдин биринчи фарзандини кесир кесиб училида дунёга келтирган бу аёл ўзи истикомат қиладиган ҳудуддаги оилавий поликлиникада бир неча бор тиббий кўриқдан ўтказилган. Бундай аҳволда яна ҳомиладор бўлиш ҳаётига жиддий ҳавф туғдириши шифокорлар томонидан уқтирилиб, контрацептив воситалар билан таъминланган. Бирок у шифокорларнинг кўрсатмаларига риоя қилмай, қайнонасининг «ёшлигинизда, куч-қувватингиз борида туғиб олинг, болалар бир-бирини етаклаб катта бўлаверади», деган гапига қулқ тутиб, иккинчи бор фарзанд кўришга қарор қилган. Ҳали қўлида эмизикли боласи бор она учун ҳомиладорлик ниҳоятда қийин кечди, камқонлик уни ҳолдан тويدирди. Туғруқхонада шифокорлар она ва боланинг ҳаётини асраб қолиш учун қаттиқ курашдилар.

Ҳомила сақлаб қолинди, аммо аёл но-буд бўлди.

Не-не орзу-умидлар билан оила қурган, фарзандларининг бахту саодатини кўраман, дея ният қолган бу аёлнинг умри шу тахлит завол топди. Она меҳридан мосуво бўлган икки норасида гўдак эса кўнгли ўқсик ҳолда яшашга мажбур.

— Ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда она организмиде кўп қувват сарфлайди, ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиқади. Узини яна тўлиқ тиклаб олиши ва навбатдаги фарзанд кўришга тайёр бўлиши учун камиди 3-4 йил вақт зарур бўлади. Демак, бу мuddат она учун ҳам, туғилажақ фарзанд учун ҳам мақбул давр, — дейди Абдулазиз Мансур. — Исрол дини таълимотида туғруқлар орасидаги мuddатларнинг қисқа бўлиши, шунингдек, кўрақ сути билан эмизилаётган даврда ҳомиладорлик маълум қўрилмаган.

Болага табиий озуқа зарур

Қуръони каримда бундай дейилган: «Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмиздилар. Бу эмизиши қамолга етказиши истовчилар учундир» («Бақара»-233). «Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (мuddатга) ўттиз ойидир...» («Аҳқоф»-15)

Бу даврда ҳомила пайдо бўлса, эмизикли чақалоқнинг ризқ-насибаси «кесилиб» қолади. Боланинг шаклланиши ва ривожланишида она сутининг аҳамияти беки-ёсдир. Бу сутни 2 йил мобайнида гўдакка асосий ва энг афзал озуқаидир. Она сути таркибиде махсус иммунитет гормонлар бўлиб, улар бола организмини турли хил касалликларга чидамли, ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ соғлом ва бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди. Она сутининг яна бир бе-бахо хусусияти шунки, у боланинг ақлий ривожланиши меъёрида кечилишида муҳим ўрин тутайди.

Агар бола 3-4 ойга тўлмасиданоқ аёл яна ҳомиладор бўлиб қолса, кўрақ сутининг таркиби ўзгаради ва ўз хусусиятини йўқотайди, шу боис у эмизикли бола учун зарарга айланади. Бундай вазиятда, аксарият оналар боласини кўрақ сути билан озиклантиришни тўхтатади. Оқибатда, болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун энг муҳим неъмат бўлмиш она сутидан бебахра қолади.

Бундан ташқари, ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига сарфлаб бўлган она организмиде бир-бир ярим йил ичида дунёга келадиган навбатдаги фарзанднинг ривожланиши, туғилиши, ҳаётининг дастлабки кунлари ва ойлари учун муҳим физиологик, руҳий ва психологик қувватни тўла бера олмайдди. Устига-устак ҳали ёшига етмаган болани парвариш қилиш оналардан қўшимча вақт, куч, эътибор ва эмоционал зўриқишларни талаб қилади. Ёш бола парвариши билан боғлиқ равишда онада кечадиган оғир руҳий ва эмоционал ҳолатлар, асабий зўриқишлар, шубҳасиз ҳомилагини нормал ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Хали тўла тикланиб улгурмаган онадан туғилган болалар аксарият ҳолларда нимжон, ҳар хил касалликларга тез чалинувчан бўлади. Аммо, баъзи аёлларимиз ва уларнинг умр йўлдошлари бу масалага маъсулиятсизлик билан ёндашмоқда ва охир-оқибат бунинг азобини ўзлари тортишга мажбур бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қайд этилган бир ҳолат бу фикрни тасдиқлайди. 24 ёшли аёл 5 нафар фарзанд кўришга улгурган. Йилига туғавериш унинг соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Ранги рўйи сиққан, камқонлик, буқоқ бўзати қилди. Фарзандлари ҳам нимжон, ёшига нисбатан вазни анча енгил.

Шифокорлар бунинг сабабини аёлнинг ҳомиладорликдан сақлана олмаганлиги билан изоҳлайди. Ваҳоланки, ҳудуддаги оилавий поликлиника шифокорлари фертил ёшдаги аёллар ўртасида исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш борасида батафсил тушунириш ишларини олиб бормоқда. Бепул контрацептив воситалар тарқатилмоқда.

— Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш масаласи кўпгина ислом давлатларининг диний экспертлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Абдулазиз Мансур. — Бошқача айтганда, кўпчилик ислом давлатларида контрацепция воситаларидан фойдаланиш кенг миқёсда қўлланилмоқда. Аллоҳдан соғлом, ақлли, наслимизга, халқимизга, давлатимизга ва динимизга хизматда бўладиган қомил фарзандларни умри билан, ризқи билан беришини сўрашимиз ва шунга интилишимиз ҳамда тайёр бўлишимиз керак. Ҳар бир туғилаётган фарзанд ота-онанинг ис-талган боласи бўлиб, уларнинг муҳаббатли, парвариши ҳамда гамхўрлигига сазовор бўлишга ҳақлидир.

Ҳар томонлама соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва ақил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилиши рағбатлантириш тадбирлари замирида ҳам баркамол авлодни вояга етказиш мақсади мўжассам. Зеро, оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги жамият равнақининг муҳим кафолатидир.

Олим ТўРАҚУЛОВ, УА шаҳарловчиси

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Инсон азиз, хотира муқаддас. Осмонимиз мусаффолиги, осуда ҳаётимиз учун қирғинбарот жангларда жонини фидо этганлар олдида ҳамisha қарздормиз, омон қайтганларга таъзим бажо этмоқ, ҳурмат-иззат кўрсатмоқ инсоний бурчимиздир.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда халқ таълими бўлими томонидан «Сизга таъзим, сизга эҳтиром» мавзусида ўтказилган тадбир уруш ва меҳнат фахрийларини қутлаш, бу ёруғ кунларга етиб келолмаганлар хоти-расини ёд этмоқ мақсадида ташкил этилди.

60 дан зиёд фахрий тақлиф этилган мазкур тадбирда уч авлод вакиллари учрашиб, даҳшатли урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотираси ёд этилди, озод ва обод Ватанининг ҳар бир қирғин ери жон қадар азиз ва муқаддас эканлигини, ҳамма, айниқса ёш авлод тинчликнинг қадрига етиши лозимлиги ҳақида дил сўзлари билдирилди.

— Уруш ва меҳнат фахрийларининг олдида бугунги дорилоним кунлар учун ҳамisha қарздор эканлигимизни унутмаслигимиз лозим, — деди мактаб директори Салима Шаропова. — Азиз ва қадри оятахон онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, панд-насиҳатлари, ўғитлари ёшларимизга таянч бўлиб хизмат қилади. Доимо соғу саломатликда яна узоқ йиллар сафимизда бўлишларини тилаб қоламиз.

Тадбир якунида фахрийларга эсдалик соғвалари топширилди, тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Шоира МУҲАМЕДОВА

МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАЙЛИК

Келажак ҳақида бугундан ўйлаш керак, деган гап бор. Бирок тарбия бобида эса анча аввал, фарзанд дунёга келишидан олдин ўйлаш даркор. Бу ҳақда кўп гапирилади, бирок амалда ҳар доим ҳам бунга риоя этилади дея оламизми?

Куш уйда кўрганини қилади, деган ҳикмат бори, фарзандлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга. Болага тарбия сабоқлари авваламбор оилада берилди. Ўқитувчи устозлар эса биз, ёшларнинг билим-илмий бўлиб вояга етишимизга кўмаклашадилар, интилишимиз, қизиқишимизни тўғри йўналтириб борадилар.

Бу ҳақда ёш бўла туриб, фикр юритишимиз, балки, ўринли эмасдир, шундай бўлса, баъзи кузатувларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Бугунги кунда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, қўллаб оилалар шу фаолият билан шугулланиб келмоқда. Бу борада айниқса савдо-сотик кенг ривож топаётгани ҳам бор гап. Қандай фаолият бўлмасин, муҳимини, орзу-ниятга ҳам, мақсадга ҳам ҳалол меҳнат орқали эришиш керак. Бирок шундай ҳақиқат ҳам борки, айрим оилаларда мактаб ёшидаги фарзандлар ота-онаси сўзини қайтармаган ҳолда савдо шохобчасига тез-тез бориб, ёрдамлашиб туради, ҳаттоки маҳсулот олиб келиш учун четга чиқиб кетган пайтларда уларнинг савдо ишларини юритиб боради. Қолаверса, оила даврасида ҳам аксарият ҳолларда фақат иктисодий режалар, ҳисоб-китоб, олди-сотди муаммолари ҳақида сўз юритилади. Охир-оқибатда боланинг мурғак хаёлида ҳам пул топиш, ота-онанинг биз-несини ривожлантириш бўлади, улғайган сари оиланинг бундай «ташвишларига» кўникиб, ўзи ҳам шу ишга шўнғиб кетади, аммо мактабда олиши лозим бўлган билим-қўникмаларга келганда, афсус ва пушаймон ҳисси жуда кеч уйғонади...

Фарзандни оила ташвишлари билан яшашга ўргатишнинг ёмон жойи йўқ, албатта. Бирок ташвиш дея, рўзгор юмушлари устун қўйилмаётми?

Бола тарбияси нозик масала. Бунга, айтиб ўтилганидек, аввало оила, сўнгра таълим муассасалари масъулдир. Масалага эркин фикр билдирар эканман, оила дея, ота-оналаримизнинг саяё-ҳаракатларига баҳо беришдан йироқман. Савдо соҳасида ўз оиласини теб-ратаётган ва жамиятга ҳам фойда келтираётган инсонлар орасида фарзандлари илм сари интилаётганлари ҳам кам эмас. Аслида мен, гуруч қурмақсиз бўлмайди деганларидек, қўштирноқ ичидаги бозорчи оилалар ҳақида гапириб ўтдим ҳолос.

Биз, ёшларнинг бугунги интилишларимиз келажакимизни белгилаб беради, десак асло адашмаймиз. Мустақиллик йилларида ёш авлод камолоти йўлида давлатимиз томонидан, бевосита Юртбошимизнинг гамхўрликлари остида яратилган имкониятлардан тўғри ва тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилайлик ва муносиб фарзанд номига сазовор бўлайлик.

Дилафрўз УМАРОВА, Ўзбекистон Миллий университети хоржий филология факультети талабаси

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2002 йил 30 июлда Азимова Мадина Юсуфжановна номига берилган рўйхат рақами 558 бўлган, В№098532 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЛИЦЕЙДА СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан спорт фестивали ташкил этилди.

Фестиваль доирасида ўтказилган мини-футбол, баскетбол, кувнок эстафета бўйича мусобақаларда алоқа ва ахборот технологиялари тизимидаги лицей ва коллежларнинг жамоалари галаба учун кураш олиб борди. Энг яхши натижаларга Тошкент алоқа коллежи эришиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди. Голиб жамоанинг айнаси мини-футбол мусобақаларидаги катнашуви муҳлисларда катта таассурот қолдирди.

Шерзод Абдурахмонов, Евгений Маликов, Игорь Парвотин, Шўҳрат Ҳикматов, Бахтиёр Орипов каби моҳир ўйинчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан турнир давомида рақиблар дарвозаларига кўплаб чиройли голлар киритилди. Баскетбол бўйича турнирда эса алоқа коллежи жамоаси ўйинчиси Ольга Рожанова катта маҳорат кўрсатди. Спорт фестивалининг барча голиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: спорт фестивалидан лавҳалар

Алексей Попов олган суратлар

Спорт янгиликлари

БАНГКОКДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Таиланд пойтахти Банкок шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган Осиё чемпионати Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.

Қўтамазнинг энг иқтидорли дзюдочилари голиблик учун кураш олиб борган ушбу нуфузли турнирнинг эрақлар баҳсларида ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Давронбек Сатторов, Беҳзод Саҳатов кумуш медаллар эгасига айланган бўлишса, Миржон Тўхтаев, Фозилжон Сабиев, Комилжон Бўстонов, Шўҳрат Тўрабоев бронза медал билан тақдирландилар.

Қизлар ўртасида ўтказилган беллашуларда ҳамюртимиз Гулноза Мат-

ниёзова кумуш медал соҳибаси бўлган бўлса, ўз вазн тоифаларида Кристина Ковалёва, Комила Зубайдуллаева бронза медал билан кифояландилар.

«БУНЁДКОР» ЯНА ПЕШҚАДАМ

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган саккизинчи тур баҳсларидан сўнг турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган жамоалар ўрни алмашди.

Аҳамиятлиси, сўнгги икки турдан сўнг биринчи ўринни «Пахтакор» жамоаси эгаллаб турган эди. Аммо ушбу

турда йўқотилган икки очко «Пахтакор»ни иккинчи ўринга тушириб юборди. Амалдаги мамлакат чемпиони «Бунёдкор» эса яна пешқадам бўлиб олди.

Фарғонада уюштирилган «Нефтчи» — «Пахтакор» учрашуви айтиш жоизки, нихоятда кескин, шиддатли курашлар остида кечди. 90 дақиқа мобайнида муҳлислар олти гоннинг гувоҳи бўлишди. Дарвозаларга голларни «Нефтчи»дан — Саидов (2та), Бердиев, Тўхтаўжаев (автогол), «Пахтакор»дан — Гейнрих, Клецковлар киритишди. Тошкентда Самарқанднинг «Динамо» жамоаси билан куч синашган «Бунёдкор» мурасим курашлар остида кечган баҳсда 2:1 ҳисобида зафар қўчди ва муҳим очколарни қўлга киритди.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди: «Насаф» — «Нефтчи» — 1:0, «Металлург» — «Хоразм» — 3:1, «Локомотив» — «Олмалик» — 0:0, «Шўртан» — «Машъал» — 1:0.

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг тўққизинчи тур беллашувлари 15,16,17 май кунлари бўлиб ўтди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўтказилаётган халқаро турнирларда иштирок этаётган ўзбекистонлик ракетка усталари — Мурод Иноятов ва Сабина Шарипова бош соврин учун курашмоқда.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ — БОШ СОВРИН ДАЪВОГАРИ

Хиндистонда эрақлар ўртасидаги «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирда Мурод Иноятов чорак финалда таиландлик Киттипонг Ваҷирамановни 6:4, 6:0 ҳисобида енгни.

Индонезияда хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада Сабина Шарипова чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган баҳсда Хитой Тайпейдан келган Тин Фэй Юань устидан 6:2, 6:4 ҳисобида галаба қозонди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Санъат

ЁШ МУСИҚАШУНОСЛАР КОНЦЕРТИ

Аслида инсон ўз туйғуларини, кўнгил кечинмаларини сўз орқали ифода этади. Бироқ муסיқа санъатида ижро этувчининг қалб тубидаги энг тоза ҳислари ошкор бўлиши учун ҳеч қандай сўзининг ҳоҳати йўқ, чунки муסיқа шуниси билан бошқа санъат турларидан фарқ қилади.

Бугунги кунда муסיқанинг ажиб сеҳридан илҳомланиб, бу завқли атрофдагиларга

ҳам улашаётган истеъдод эгалари талайгина. Яқинда Сергели туманида-

ги 21-муסיқа ва санъат мактабида ўқувчилар йил давомида олган билимларини си-

новдан ўтказди. Концерт дастурида улар машҳур бастакорларнинг куйларини ижро

этишди. Оханлардаги руҳни томошабинга етказиш учун ҳар бир иштирокчининг юрагида санъатга муҳаббат бўлмоғи лозим. «Саҳнада» жаҳон классик муסיқасини тараннум этган ёш муסיқачилар атрофдагиларнинг қалбига хуш кайфият улашишди. Эзгулик эса жажжи юракларга ин қурган оппоқ орзулардан бошланади.

Ирода ЖЎРАЕВА

«01»

ЁНГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Бектемир — республикамиз пойтахтининг кенжа, шу билан бирга кўпгина санаот корхоналари, автотранспорт ташкилотлари, ўқув юртлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозорлар жойлашган туманидир. Бу ҳудудда 800 га яқин корхона ва ташкилотлар, бошқа меҳнат жамоалари фаолият кўрсатади. Уларнинг осойишталигини, шу жумладан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Туман ички ишлар бошқармасининг ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилишини изчил назорат қилиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилнинг биринчи чорагида қарийб 50 та ишлаб чиқариш корхона ва ташкилот, уч мингга яқин кўп қаватли уй ва хусусий турар-жой ёнгин хавфсизлиги бўйича назоратдан ўтказилди. Аниқланган камчиликларнинг қисқа муддатда бартараф этилиши таъминланди. Баъзи жойларда кўрсатиб ўтилган нуқсонлар тузатишунга қадар электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Ўз ишига совуққонлик билан қараган, ёнгин хавфсизлиги тартиб-қоидаларини кўпол равишда бузган 104 нафар мансабдор шахс ва фуқарога нисбатан маъмурий чора кўрилди. Уларга 901385 сўм миқдорда жарима солинди.

Ёнгини ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш ҳар жиҳатдан мақбул. Шу мақсадда бўлим инспекторлари корхона, ташкилотлар, ўқув юртлари, маҳал-

лалар, уй-жой ширкатларида тез-тез бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда, суҳбатлар уюштирмоқда. Савол-жавоблар, маслаҳатлар беришга уйғунлашган шундай мулоқотларда жорий йил биринчи чорагида ўн уч мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда таққослаш учун бир неча рақамни келтириш жоиз. 2007-2008 йилларнинг биринчи чорагида туманда 12-15 та, 2009 йилнинг шу даврида олтига ёнгин бўлганди. 2010 йил биринчи чорагида бу кўрсаткич иккитани ташкил этди. Мақсадимиз аҳоли ўртасида тарбиёт ишларини янада кучайтириб, ёнгин хавфсизлигининг бугунги кун талаби даражасида бўлишини таъминлашдир.

Равшан ЖЎРАЕВ,
Бектемир тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, подполковник
Ҳожиакбар ШОДМОНОВ,
бўлим инспектори, капитан

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ГАЗ БЕРИШНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Тошкентшаҳаргаз» филиали шуни маълум қиладики, шаҳар газ хўжалигининг 2010-2011 йилги куз-қиш мавсумида тўхтовсиз ва барқарор ишлашига тайёрларга кўриш муносабати билан 2010 йил 13 май кuni соат 11.00 дан 18.00 га қадар Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманининг куйидаги манзилларида яшовчи истеъмолчиларга газ бериш вақтинча тўхтатилади: Нишапур кўчаси, Ҳумоюн ва Югнакий турар жой даҳалари; Фазалкент кўчаси, Турон кўчаси, Жасорат кўчаси, Бинокор кўчаси, Ш.Бурханов кўчаси, Интизор кўчаси, Шўртена 1-тор кўчаси, Тошкент оқшоми кўчаси, Дилрабо кўчаси, Алпомиш кўчаси, Шўртена кўчаси, Гулсара кўчаси, Садаф кўчаси, «Қорасув 1,2,3,4» турар жой даҳалари; Ўқитувчилар кўчаси, Мингбулоқ кўчаси, Узумзор кўчаси, Гулбаданбегим кўчаси, Тепа Масжид кўчаси, Мўминов кўчаси, Дўрмон йўли кўчаси.

Авария ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида, газ бериш тўхтатилган давр мобайнида хонадонлардаги барча газ асбобларини ўчириб қўйишини сўраймиз. «Тошкентшаҳаргаз» маъмурияти

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Ўзбекистонда илк бор!

2010 йил 17 апрелдан бошлаб 16 майга қадар Тошкент циркининг манежидида шу вақтгача уюштирилмаган томоша — «Дельфинлар шоуси» ноёб аттракцион ўтказилади.



Шошилини!

Томошалар шанба кунлари соат 15.00да, яқшанбада эса соат 12.00, 15.00 ва 18.00да бошланади.

Маълумотлар ва жамоа бўлиб келишга талабномалар учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23.

Чипталар цирк кассаларида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзиллими: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3886 нусхада босилди. Қўроғ бивийи А-2

«Универсиада — 2010»

РИШОД — ХАЛҚАРО ТУРНИР ШОҲСУПАСИДА

Универсиадада кашф этилган Ришод Собиров Тунисда дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида олтин медалга сазовор бўлди

Жорий йилнинг 7-9 май кунлари ўтказилган нуфузли турнирда дунёнинг 49 мамлакатидан уч юз эллика яқин дзюдочилар катнашди. Истеъдодли полвонимиз Ришод Собиров олтин медалга сазовор бўлди. Ришод Собиров олтин медалга сазовор бўлди. Ришод Собиров олтин медалга сазовор бўлди.



Р.Собиров Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. 11 ёшидан дзюдо ва кураш билан шугулланади. Унинг фаолиятида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва дунёда ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт тизимининг юқори бўғини — Универсиаданинг аҳамияти бекиёсдир. 2007 йили Тошкентда ўтказилган талабалар мусобақасида олтин медални қўлга киритган. Мутахассислар томонидан катта салоҳиятга эга спортчи сифатида эътироф этилган Ришод ўша йили катталар ўртасида дзюдо бўйича Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.

2008 йилда Р.Собиров мамлакатимиз чемпионатида голиб чиқиб, терма жамоанинг асосий таркибидан жой олди. Пекинда маҳоратини намойиш этган Ришод полвон 21 ёшида Олимпиада ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро майдондаги галабаларига мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш тўғрисида йўналиш қўйилгани муҳим омил бўлмоқда, — дейди Р.Собиров. — Президентимиз Ислам Каримовнинг ёшлар камолоти ва спортни ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибори, қўрсатаётган доимий ғамхўрлиги тўғрисида мен каби оддий қишлоқ йигитлари жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақаларида шоҳсупага кўтарилиш шарафига муяссар бўлмоқдалар. Бунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотларининг барпо этилиб, зарур спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланаётгани, болалар ва қизлар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан Р.Собиров спорт соҳасида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун 2008 йил «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланган.

Юртбошимиз ва халқимиз ишончини оқлашга бел боғлаган полвонимизнинг галабалари сони ва салмоғи ошиб бормоқда. Ришод 2012 йили Лондонда (Буюк Британия) бўладиган XXX ёғи Олимпиада ўйинларида катнашиш учун тўплангани рейтинг очколари бериладиган Халқаро дзюдо федерациясининг нуфузли мусобақаларида, жумладан, Германия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Гран-при босқичларида олтин ва бронза, Жанубий Кореяда бўлган «World Masters» туркумидаги халқаро турнирда кумуш медални қўлга киритди. Халқаро дзюдо федерацияси томонидан жорий йилнинг май ойи учун эълон қилинган жаҳон рейтингига кўра, Р.Собиров ўз вазн тоифасида дунёнинг энг кучли уч дзюдочисидан бири, деб эътироф этилди.

— Мен кўплаб нуфузли мусобақаларда гиламга чиққанман, — дейди Р.Собиров. — Лекин ўзбекистонлик ҳар бир спортчи учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада каби мусобақаларда катнашишнинг ўрни бўлакча. Чунки бу тизим ёшларимизга, шахсан менга ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини берди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси сифатида Андижонда бўладиган «Универсиада — 2010» спорт мусобақасида ҳам фаол иштирок этиш ниятидаман.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзиллими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3886 нусхада босилди. Қўроғ бивийи А-2

Нашрият этики бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланди.
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1235